
O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 2-IYUL, SESHANBA, 80 (8161)-son


1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Китоб тумани иқлими ва табиий шароити мевасабзавот, хусусан, узум етиштириш учун қулай худуд хисобланади. Шу боис, 2010 йилдан мева, сабзавот ва узум етиштиришга тўла ихтисослаштирилди. Белгиланган дастур асосида янги токзорлар барпо этилмокда, кўчат етиштириш учун ер майдонлари ажратилмокда. Мавжуд токзорларни парвариш қилишга алохида эътибор қаратиб келинаётгани хосилдорлик ошиши, экспорт салохияти ўсишига омил бўлмокда.



Сирдарё вилояти хокимлиги ташаббуси билан вилоятдаги 48 та касбхунар коллежига бу йил қабул қилинадиган ўқувчиларнинг хар бири 500 тупдан 1000 тупгача терак экиб парваришлаши, 3 йил ўтиб уни сотиб, сармояга айлантиришлари учун хар бир ўқув юртига 5 гектардан мелиоратив холати яхшиланган, унумдор ер ажратиб берилди.



2 июль халқаро миқёсда Жахон Спорт журналистлари куни (World Sports Journalists Day) сифатида нишонланади. 1924 йили айнан шу санада Франция пойтахти Парижда Спорт матбуоти халқаро ассоциацияси (АИПС) ташкил этилган.

САХИФАЛАРДА САХИФА САХ

### <u>KADP-KUMMATIUM, TIAЯHYUM BA ИФТІИХОРИМСАН, МУСТІАҚИЛ ҰЗБЕКИСТІОН!</u>



HaBouй Вилояти

#### ОИЛАВИЙ КОРХОНА КОЛЛЕЖ БИЛАН ХАМКОРЛИК ЎРНАТАДИ

Навоий шахрида "Navoiy marjona kelajagi" оилавий корхонаси фаолият бошлади.

Халқ банкининг Навоий шаҳар филиалидан олинган 70 миллион сўмлик кредит эвазига хориждан 20 та тикув дастгоҳи келтирилди. Натижада 15 та янги иш ўрни яратилди.

— Кунига 40 дан ортиқ маҳсулот тайёрлаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Барно Ўроқова. — Шу билан биргаликда каштачиликни ҳам йўлга қўйдик. Биз тайёрлайдиган кийим-кечакларнинг асосий қисми шаҳримиз аҳолисига сотилади.

Мазкур оилавий корхона келгусида қишки кийимлар ишлаб чиқаришни, шунингдек, Навоий маданият ва санъат касб-хунар коллежи ўқувчилари билан ҳамкорликда кийимларга безаклар беришни йўлга қўймоқчи.

иулга қуимоқчи. **Азимжон ХУШВАҚОВ** 

Kaшkagapë Вилояти

#### НИШОНЛИК ИШБИЛАРМОН ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАДИ

Нишонлик тадбиркор Искандар Абдуллаев томонидан туман маркази якинидаги фойдаланилмай ётган бино таъмирланиб, 8 миллион сўмга замонавий дастгохлар олиб келиб ўрнатилди хамда "Аква" алюмин ва пластик профилларини монтаж килиш корхонаси ишга туширилди.

Бу ерда беш турдаги махсулот ишлаб чиқарилмоқда. Тадбиркор жорий йилда соф фойдани 50 миллион сўмга етказмоқчи. Бунинг учун барча шарт-шароит мавжуд. "Микрокредитбанк"нинг 30 миллион сўмлик имтиёзли кредити эвазига хориждан қўшимча жихозлар келтириш режалаштирилган. Натижада махсулот тури яна бештага ортади. Касб-хунар коллежларини тамомлаган ўн нафар ёш иш билан таъминланади.

Хусан ТЕМИРОВ



#### МАХАЛЛАДОШЛАРИГА БОЛ УЛАШАЁТГАН ОТАХОН

Мўмин Кулиев Коровулбозор туманининг Навбахор кишлок фукаролар йигинида истикомат килади. Ёши етмишга якинлашиб колган отахон 40 йилдан бери асаларичилик



Бугун унинг ихтиёрида 120 оила асалари бор. Ўгли Саидназар бошчилигида шу йўналишда "Саид барака" фермер хўжалигини ҳам ташкил этган. Хўжаликда йилига ўрта ҳисобда 2 тонна асал етиштирилади.

— Мўмин ака худудимиздаги саховатпеша инсонлардан бири, — дейди кишлок фукаролар йигини раиси Махмуд Хасанов. — У махалламизнинг байрам тадбирларига хомийлик килиш баробарида хар йили 200-300 килограмм асални кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга бепул тарқатади.

Отахон яқинда ўз хўжалигига қарашли экин ерларини кенгайтириб, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик йўналишларида иш юритишни, савдо дўкони қуриб махалладошларига қулайлик яратишни ҳам режалаштириб

Мақсадим ҳамқишлоқларимга кўпроқ нафим тегсин,
 деди отахон биз билан суҳбатда.

Хамроз АЛИ



## ҚУНАРДАН ХАМ РИЗҚ, ХАМ ЗАР УНАР

Риштон тумани Бужай қишлоғида яшовчи Усмонали Тошпулатовнинг касби шифокор. У ишдан буш вақтларида ёшлигидан ўрганган ҳунари — кулолчилик билан шуғулланади. У ясаган кулолчилик буюмлари бежиримлиги, нафислиги ва пишиқлиги билан барчага манзур булмоқда.

- Иш вақтим тугаши биланоқ уйга шошиламан, - дейди Усмонали Тошпўлатов. - Уйда мўъжазгина кулолчилик устахонамиз бор. Турмуш ўртогим Мавлудахон ва фарзандларим Дилфуза, Иброхимжон, Дилноза, Илхомжон, келиним Хилолахонлар билан кулолчилик буюмлари ясаймиз. Устахона ишларини йўлга қўйишда Риштон кулолчилик макта-

бининг усталари Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Музаффар Саидов, Йўлдошали Полвонов, Набижон Қодиров, Баходиржон Исомов, Иброхимжон Комилов, Алишер Назиров, Рустамжон Усмоновлар-

нинг кўмаги ва маслахати аскотди. 1998 йилдан "Хунарманд" уюшмасига, 2002 йилдан эса Ўзбекистон Бадиий академиясига аъзоликка қабул қилинган Усмонали Тошпўлатовнинг хонадонида жойлашган мўъжазгина устахонани кўздан кечирган киши инсон қўли ажойиб мўъжизалар яратишга қодир эканлигига амин бўлади. Айниқса, миниатюра йўналишида яратилган "Куй сехри", "Дуторчи йигит", "Базм", "Кўзларингни яширма", "Мусиқачи қиз", "Дуторчи қиз" каби кулолчилик буюмлари киши ҳайратини оширади.

Уста кулол Усмонали Тошпўлатов якинда вилоят микёсида "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган "Миллатлараро тотувлик ва диний багрикенглик" мавзусидаги илмий-амалий семинарида хамда "Ўзбекистон — кўп миллатли ахил оила" кўргазмасида фаол

иштироки учун биринчи даражали диплом билан такдирланди. – Оилавий кулолмиз, – дейди

уста кулол Усмонали Тошпўлатов. – Катта ўглим Иброхимжон айни пайтда Багдод тумани хунармандлар уюшмаси раиси, кичик ўглим Илхомжон Риштон академик лицейида инглиз тили фани ўқитувчиси, келиним Хилолахон эса мактабда ўкитувчилик қилади. Ўз навбатида, фарзандларим ортидан набираларим Ахроржон, Исмоилжон, қолаверса, Бахтиёржон Иномов, Бахромжон Рахмонов сингари шогирдларимнинг камолотидан хурсандман. Бу мени янгилик сари интилиб, изланиб, ишлашга ундайди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

▼ ИНТИЛИШ

Андижон Вилояти

#### ФЕРМЕР ДАЛАСИДАГИ МЎЪЖИЗА ЁХУД БУГДОЙНИНГ СИНОВДАГИ «КЕЛАЖАК» НАВИДА КЛЕЙКОВИНА МИКДОРИ 45 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТМОКДА

Кўргонтепа туманидаги «Оқсув» фермер хўжалиги рахбари Алижон Ахмедовнинг дехкончиликда қизиқмаган сохаси ва йўналиши йўк хисоб. Унинг пахта

нинг дехкончиликда қизиқмаган сохаси ва иуналиши иуқ хисоб. Унинг пахта етиштириш технологияси бугунги кунда жуда кўплаб фермерларнинг эътиборини тортмокда. Камхарж ва факат юкори хосилли пахта етиштиришга кодир «Оксув» технологиясига бошка мамлакатларда хам кизикиш катта.

Бундан 8 йил аввал Алижон Ахмедов ўз дала- эътиборини ўзига тортди. Фермер жуда катта

Бундан в ийл аввал Алижон Ахмедов уз даласида тамомила нотаниш бўлган бир туп бугдой бошогини кўриб қолди. Уни олиб, бошқа бугдой бошоқларига қиёслаб кўрди. Бошоқ салмоқли бўлиб, донининг йириклиги фермернинг эътиборини ўзига тортди. Фермер жуда катта бойлик топгандек қувониб, ўша бошоқни тишининг ковагида сақлагандек авайлаб кузга бориб бир қарич ерга экди. Натижа кутилганидан зиёда бўлганидан сўнг ўша буғдойни кўпайтириш-

га киришди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида бош мутахассис бўлиб ишлаёт-ган Саид Тешабоев бу борада фермерга ўз маслахатларини бериб борди. Бир дона бошокдан олинган уруглик бугдой жорий йилда 8 гектар майдонни эгаллади. Бу орада фермер танлаб олиш йўли билан кўпайтирилаётган бугдой уругини давлат нав синаш комиссиясига, ихтисослашган институтларнинг селекционерларига кўрсатиб борди.

орди. **(Давоми 2-сахифада)** 



► Тошкентдаги "Туркистон" саройида "Хамшира – 2013" республика кўрик-танловининг финал боскичи бўлиб ўтди. Танловда Тошкент шахар 5-клиник шифохонасининг жаррохлик бўлими хамшираси Дилноза Абдиева биринчи ўринни олди ва "Матиз" автомашинаси билан такдирланди.

► Бердак номидаги Коракалпок давлат мусикали театрида обод турмуш тарзини шакллантиришда миллий ва маънавий кадриятларнинг ўрни мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Гулистон шахридаги"-Гулистон пакет импекс" масъулияти чекланган жамиятида турли ҳажм ва шаклдаги целлофан пакетлар тайёрлашни йўлга кўйди. Йилига 120 тонна полиэтилен махсулот ишлаб чиқариш кувватига эга ушбу корхонага 77,5 минг АҚШ доллари микдорида инвестиция киритилди.

**►** Андижон вилояти Хўжаобод туманида таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида "Энг намунали бошлангич ташкилот" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тумандаги 2умумтаълим мактаби касаба уюшмаси бошлангич ташкилоти энг намунали деб топилиб, фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан такдирланди.

▶ Ўзбекистон Миллий матбуот марказида давлат мулкини хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Бугун – Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

### МУСТАКИЛЛИГИМИЗ ВА КАДР-КИММАТИМИЗ ТИМСОЛИ

Президентимиз Ислом Каримов 1992 йил 2 июлда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўгрисида"ги қонунга имзо чекди. Бу билан мамлакатимиз мустақиллиги мустақкамланди. Халқимиз ўзи истаган ва танлаган йўл — эркин, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида яна бир муқаддас тимсолга эга бўлди. Ўзбекистон халқи ўз қадр-қимматини, таянчи ва суянчини чуқурроқ англай бошлади.

Аждодларимиз давлат тамгасини азалдан муқаддас тимсол, деб билган. Махмуд Қошғарий «Девону луғатит турк» асарида тамғани «подшохнинг хукмдорлик тамғаси ва мухри», деб изохлайди. Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида ёзилишича, XIII-XV асрларда Ўзбекистон худудида савдо карвонларидан олинадиган солиқ «тамға солиғи», деб аталган.

Сохибкирон Амир Темур тамғасида «Куч – адолатда» маъносини англатувчи ёзув-мухр бўлган. Улуғ бобомиз салтанат асосини ана шу улуғ

хикмат асосига қурган. Буларнинг барчаси давлат тамғаси халқимиз хаёти ва миллий давлатчилик тарихимизда озодлик, ғурур-ифтихор ва ор-номус тимсоли бўлганидан, боболаримиз уни муқаддас ва азиз санаганидан далолатдир.

Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан Президентимиз Ислом Каримов рахбарлигида янги давлат асосини мустахкамлаш, халқимизга хос ва мос янги жамият барпо этиш йўлида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат



рамзларини, шу жумладан, герб лойихасини ишлаб чикиш ва кабул килиш жараёни кенг мухокамадан ўтказилди. 1992 йил 2 июль – тарихимиз ва миллий кадриятларимиздан келиб чиккан холда ишлаб чикилган давлатимиз герби кабул килинган кун, халкимиз озодлигининг яна бир тимсоли сифатида тарихдан жой олди.

Шу санадан эътиборан давлатимиз герби тасвири мамлакатимиздаги барча давлат ташкилоти бинолари пештокига ўрнатилди. Олий рамзимиз тасвири мухрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, когоз ва танга пулларда, кимматли когозлар ва фукаролик паспортида хамда конунда белгиланган бошка хужжатлардан жой олмокда.

Ўзбекистон герби давлатимиз чегараларида ўрнатилди. Бу мустақил Ватанимиз тенглар ичра тенг бўлганининг ёрқин далили эди.

Бугун Ўзбекистон ёшлари спорт, санъат, илм-фан ёки бошқа йўналишда халқаро майдонда ғалабага эришар экан, байрогимиз баланд кўтарилиши ва мадхиямиз баралла янграши билан бирга гербимиз ҳам ўзга давлатлар тамғасидан юқорироқ ўрин эгаллайди. Шундай лаҳзаларда мустақиллигимиз қадрқимматини, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикнинг аҳамиятини янада чуқурроқ англаймиз.

Гербимиздаги ҳар бир ранг, чизиқ, белги теран рамзий маънога эга. Ўнг томондаги қийғос очилган пахта ва ғарқ пишган буғдой бошоқлари – халқимизнинг меҳнати ҳалол, ризқи бутун эканидан далолатдир.

Гербнинг юқори қисмида мамлакатимиз жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Мусамман ичидаги ярим ой – қўлга киритилган мустақиллигимизни, юлдуз эса халқимиз ҳамиша комилликка интилиши ва саодатга элтувчи йўлни танлаганини билдиради.

Давлатимиз гербида яшил водий (обод турмуш) узра қуёш (мангу ёруғлик манбаи) нур сочаётган тасвир туширилган. Пурвиқор тоғлар оралаб оқаётган дарёлар – авлодлар оша яшаб келаётган мангу қувват тимсоли, халқимиз кўзлаган юксак марралардан далолатдир.

(Давоми 4-сахифада)



## ФЕРМЕР ДАЛАСИДАГИ МЎЪЖИЗА

(Боши 1-сахифада)

Яқинда фермер даласида ўрим-йигим ўтказилиб, "Келажак" деб номланган буғдой уругининг энг сарасидан 20 тоннаси алохида копларга солиниб, захирага кўйилди. Қолган буғдой эса товар-дон сифатида қолдирилди. Салкам 60 центнердан хосил берган "Келажак"нинг асосий самараси шуки, буғдойнинг нонбоплиги рекорд даражада.

 Мен узок йиллардан буён бугдой сифати бўйича катта лаборант бўлиб ишлайман, — дейди "Қўргонтепадон" ОАЖ ходими Хаётхон Содиқова. — Туманимиздаги "Оқсув" фермер хўжалигида синов тариқасида парвариш қилинаётган буғдойнинг "Келажак" нави унидан намуна олиниб, лабораторияда тахлил қилинганда, клейковина микдори 45 фоизни ташкил этаётганлиги аниқланди. Собиқ тузум даврида Канада ва Австралиядан келтирилган энг сара буғдойларда ҳам клейковина миқдори 35 фоиздан ортган эмас. Ноннинг мазали ва тотли бўлишининг асосий кўрсаткичи клейковина бўлади. Клейковина миқдори ортган сари нон ва нон махсулотлари сифат кўрсаткичлари ортиб бораверади. Гапнинг индаллоси, уннинг сифатини хамир қорган одам биринчи бўлиб фарклай олади. Ишончим комилки, "Келажак" буғдойи уни уй бекаларига катта совға бўлади.

Алижон Ахмедовнинг селекционерликка даъвоси йўқ. Ундаги қизиқишнинг асосий боиси шуки. "Келажак"нинг дони сифат жихатидан бугун республикамизда парвариш-

ланаётган махаллий ва хорижий бугдой навларидан буткул фарқ қилади. "Оқсув" фермер хўжалиги далалари бамисоли илмийтадқиқот ишлари ўтказиладиган лабораторияга ўхшайди. Жумладан, 4 гектар майдон ғалла уруғлари синовига ажратилган. Бу майдонда ғалланинг 26 хили кўрикдан ўтказиляпти. Фермер эса кузатишдан асло чарчамайди. Унга яқиндагина Андижон қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган Нодир Комилов, Хотамжон Ахмедов, Хусниддин Абдурахмонов каби ёш агрономлар кўмак бе-

 Кўрик-танловларда маҳаллий навларнинг потенциал имкониятлари юқори эканлиги яққол кўзга ташланмокда, — дейди Алижон Ахмедов. — Қашқадарёда яратилган "Яксарт" навли бугдой хосилдорлиги 75, Андижон селекциясига мансуб "Чиллаки" эса 76 центнердан хосил берди. Хар икки бугдой навидан 231 тонна супер ва элита уруглик олиниб, тайёрлов корхонасига топширдик.

Селекция ёхуд танлаш йўли билан нав яратиш катта куч, сабр-тоқат талаб этади. Ихтирочи-рационализатор макомига эга бўлган Алижон Аҳмедов айни "Келажак" навини шапалоқдек ерга доналаб экиш учун сеялка яратди. 8 йилдан буён бир дона бошоқдаги доннинг ҳажмига қараб экиш ва кузатиш, агротехникасини ишлаб чиқиш йўлида собит бораётган фермернинг "Келажак"дан умиди катта.

Кобилжон АСКАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. <u> Alana madanuamu — ibedmed maczynuamu</u>

## «FАЛЛАМИЗ ХИРМОН БЎЛДИ, FŸ3AMU3 KŸCAK TYГAN»

 ДЕЙИШМОКДА ВОБКЕНТЛИК ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ. УЛАР ГЎЗА ПАРВАРИШИДА МУХИМ ПАЛЛА ХИСОБЛАНГАН ШУ КУНЛАРНИНГ ХАР ДАҚИҚАСИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ХАРАКАТ ҚИЛИШЯПТИ.

Вохада вобкентлик дехқонлар ғаллачилик йўналишида ҳам, пахтачилик йўналишида ҳам ўзига хос тажриба тўплашган. Туман фермерларининг аксарияти дала-дехкончилик ишларининг хадисини олишган. Ишнинг кўзини биладиган миришкорлар ҳар қандай шароитда хам кўзланган хосил хирмонларини яратишга харакат қилишади. Шу боис, туманда ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш шартномавий режалари бажариб келинади. Жорий йил хам бундан мустасно эмас. **Галладан мўл хосил етиш**тирган дехконлар ғўза парваришини ҳам зўр уюшқоқлик асосида олиб бориш-

Аваз Хамдамов хам ана шундай қишлоқ мулкдорларидан бири. У рахбарлик қилаётган "Аҳтам Азамат" фермер хўжалиги ихтиёридаги экин ерининг 37,5 гектарида ғалла, 60,5 гектарида пахта етиштирилади. Хўжалик аъзоларининг мехнати ўз натижасини кўрсатмоқда. Жорий йилда ғалла хосилдорлиги 80 центнерга тенг бўлди. Шартнома режасидан 26 тонна ортиқ дон қабул масканларига етказиб берилди. 18 гектардаги ғалла ҳосили фермер ихтиёрида қолдирилди. Биринчи сугориш якунланган далаларда эса ғўзалар қийғос гулга кирган, хосил нишоналари кўзга ташланаётир. Фермер хўжалиги аъзолари, ишчилар мехнатига яраша муносиб рагбатлантирилмоқда.

– Бу йил ғаллачиликдан салмоқли даромад кўрдик, дейди фермер. — Хўжалигимизда дехкончилик маданиятини янада шакллантириш максадида замонавий дала шийпони қуришни режалаштириб турибман.

Сохада қўлга киритилаётган бу каби ижобий кўрсаткичлар замирида эса қишлоқ мулкдорлари ва улар бошқараётган хўжаликларда иш олиб бораётган дехконларнинг сидкидилдан қилаётган мехнатлари мужассам. Қишлоқ мулкдорларининг қайси бири билан сухбатлашманг, фермер хўжаликларининг даромадини ошириш, иктисодиётини юксалтириш, моддий-техник базасини мустахкамлаш учун, энг аввало, ердан самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидлашади. Бу борада улар асосий эътиборни ерларни махаллий ва минерал ўгитларга тўйинтириш, экинларни оби-тобида экиш хамда парваришлаш, бошқа агротехник тадбирларни хам ўз вақтида ўтказиш, хўжалик аъзоларига мехнат қилиш учун етарли шароит яратиб бериш, ишини рағбатлантириб бориш каби масалаларга қаратишади.

Фермерларнинг ишга бу тартибда ёндашишларининг ўзиёқ, далаларда дехкончилик маданиятининг шаклланганлигидан, қишлоқ мулкдорлари эса ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур англаганларидан далолат бериб турибди.

Туманимизнинг барча худудларида ахоли зич жойлашган. Шу боис, ҳар бир қарич ер эътибордан четда қолмайди. Дала четларига қўшимча экин экиб, юқори хосил олиш хўжалик аъзоларининг одатига айланган, дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиги Бақо Вафоев. — Бугунги фермерларимиз ўз хўжаликларида дехкончилик маданиятини юксалтириш - даромад манбаи эканини. кўрсаткичлар салмогини оширишда мухим омил бўлиб хизмат килишини тобора кўпроқ англаб етиша-

Тумандаги "Нурли замин саховати", "Нажим Тошобод", "Бобомурод Бехруз Шерзод", "Авез Мирзо замини", "Сайфулло Жумаев" фермер хўжаликларида ҳам дала-дехкончилик ишлари бугунги кун талаблари даражасида ташкил этилган.

Энг асосийси, қишлоқ мулкдорларининг ҳам, хўжалик аъзоларининг хам моддий манфаатдорлиги йилдан-йилга ортиб боряпти.

Хамроз АЛИ. "Qishloq hayoti" мухбири.

▼ ТАШАББУС

#### СОЛИК ХИЗМАТИ

Сурхондарё Вилояти

Юртимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг эркинлиги ва барқарорлигини таъминлаш, қулай ишбилармонлик мухитини яратиш мақсадида изчил ислохотлар олиб борилмокда. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, молиявий жихатдан қўллаб-қувватлаш, назорат органларининг улар фаолиятига асоссиз аралашувига чек қўйиш юзасидан қатор ишлар амалға оширилмоқда. Бу борада юртимиз солиқ тизимида тадбиркорлар учун яратилаётган имтиёз ва қулайликлар ҳам муҳим ахамият касб этаётир.

## ИМТИЕЗ ЗАМИРИДАГИ ЮКСАК ИМКОНИЯТЛАР

Бу эса, ўз навбатида, ахоли турмуш фаровонлигини таъминлаш баробарида халқимизнинг узоқ йиллар давомида шаклланиб келаётган анъаналарини ривожлантириш. миллий ўзига хослигимизни ифода этувчи мехнат турларининг такомиллашувига хизмат килмокда. Халк бадиий хунармандчилиги ва амалий санъати ҳам ана шундай фаолият турла-

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2008 йил 1 апрелдаги "Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рагбатлантиришга оид қушимча чора-тадбирлар тўгрисида"ги Фармони сохада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишда мухим дастуриламал бўлмокда. Мазкур Фармонга мувофик юртимизда фаолият юритаётган оилавий корхоналар халқ бадиий хунармандчилиги махсулотлари ва қўлда ишланган амалий санъат буюмларини сотишдан олинадиган даромад хисобидан ягона солиқ тўлови тўлашдан 2014 йилнинг 1 январигача бўлган даврга қадар озод этилди. Бунинг натижасида кўплаб маблагларнинг бевосита тадбиркорлар ихтиёрида сақлаб қолинишига эришилди. Буни биргина Сурхондарё вилояти мисолида олиб қарайдиган бўлсак, жорий йилда вилоятда хунармандчилик йўналишида фаолият юритаётган 369 нафар тадбиркорлик субъектига ягона солик тўлови хисобидан 352,1 миллион сўмлик солиқ имтиёзлари берилди. Тежалган маблаглар хунармандлар фаолиятини янада кенгайтириш, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар, янгича мехнат шароитларига бўлган талабини қондириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга хизмат қилмоқда.

— Халқ хунармандчилигини янада равнақ топтиришга қаратилган эътибор туфайли иш фаолиятимизни кенгайтиришга, махсулот ишлаб чиқариш хажми ва сифатини оширишга эришяпмиз, — дейди хунарманд Алим Орипов.

 Хозирда қўл дастгоҳида меҳнат қилиб, миллийликни ўзида мужассам этган бир неча турдаги махсулотлар ишлаб чиқаряпмиз. Махсулотларимиз ранги ва хомашёси табиийлиги, иш сифатининг мукаммаллиги харидорлар талабининг ортишига асос бўлаётган бўлса, солиқ юкини пасайтириш борасида берилаётган имтиёзлар молиявий жихатдан барқарорликка эришишимизда асқотмоқда. 23 нафар киши доимий иш билан банд бўлган марказимизда жорий йилнинг шу даврига қадар 9 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Солиқ хисобидан тежалған маблағларни фаолиятимизни такомиллаштириш, технологик жихатдан янгилаш, қўшимча иш ўринлари ташкил этишдек аниқ мақсадлар сари йўналтиряпмиз.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг турли йўналишларига асосланган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, хусусан, солиқ тизимидаги имтиёзлар соха тадбиркорлари учун юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодаси сифатида намоён бўлмокда. Фаолиятлари гуллаб-яшнашига сезиларли даражада ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Илёс РАХМАТОВ, Сурхондарё вилояти Давлат солик бошкармаси Ахборот хизмати бошлиги.

#### Наманган Вилояти

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг килиш мустакил институтининг Наманган худудий бўлинмаси томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини химоя қилишнинг хуқуқий асослари' мавзуида семинар ўтказилди.

#### ТАДБИРКОРЛАР манфаати қонун ХИМОЯСИДА

Савдо-саноат палатаси вилоят худудий бошқармаси хамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Бош прокуратура хузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти вилоят бўлими ходимлари, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситала-

ри вакиллари иштирок этди.

Унда сўзга чиққанлар тадбиркорларнинг сиёсийхуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини комплекс таъминлаш механизмларини янада мустахкамлаш, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши жараёнларига алохида тўхталдилар. Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимиз конунчилигида иктисодиёт сохасини қўллаб-қувватлаш, соғлом ва қулай тадбиркорлик мухити яратишнинг кўплаб мухим масалалари тартибга солинганлиги ҳам таъкидланди.

Шунингдек, семинарда тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига замонавий минитехнологиялар ва чет эл инвестицияларини жалб этиш хамда ишлаб чиқарилган махсулотларни ташқи бозорга олиб чиқишга кўмаклашиш бўйича вилоятда амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ

Cupgapë Вилояти

## УЧ ЙИЛДА ХАМ ДИПЛОМ, ХАМ САРМОЯ

Сирдарё вилояти хокимлиги ташаббуси билан вилоятдаги 48 та касб-хунар коллежига бу йил қабул қилинадиган ўқувчиларнинг хар бири 500 тупдан 1000 тупгача терак экиб парваришлаши, 3 йил ўтиб уни сотиб, сармояга айлантиришлари учун ҳар бир ўқув юртига 5 гектардан мелиоратив холати яхшиланган, унумдор ер ажратиб берилди.

сад, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошкармаси бош мутахассиси Алишер Хожиматов, — ўкувчилар касб-хунар сирларини пухта эгаллашлари баробарида уч йил давомида ўзлари эккан теракларни алохида участкаларда парваришлайдилар. Уч йилдан сўнг бу теракларни сотиб, сармояга айлантириш ўқувчиларнинг ўз инонихтиёрида бўлади. Бунинг учун ҳар бир ўқувчи учун банкда махсус хисобрақами очилади. Сотилган терак маблағи ана шу хисобрақамига келиб тушади. Тўгри, қайси бир битирувчи теракларни улгуржи нархда тезроқ пулга айлантирса,

— Бундан кўзланган асосий мақ-

бошқаси унинг "куч тўплаб", улғайиши, росмана ёгочбоп дарахтга айланиши, кўпрок пулга сотилишини кутиб туриши мумкин.

Ўқув муассасаларини ер шароитига мос келадиган, бақувват, тез ўсувчан терак кўчатлари билан таъминлашни вилоят ўрмон хўжалиги тажриба участкаси жамоаси ўз зиммасига олди. Экиладиган кўчатларни харид қилишда ҳам ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Харажатларнинг бир қисми бюджетдан ташқари жамғарма маблағи хисобидан қопланса, қолган қисми хомий ташкилотлар кўмаги хисобига амалга оширилади. Кўчатзорлар учун ажратилган ерларни экишга тайёрлаб

бериш туманлардаги машина-трактор парклари механизаторлари, худудлардаги қатор фермер хўжаликлари ҳашари билан адо этилади. Тажрибали ўрмончиларнинг таъкидлашича, тез ўсувчи, яхши парвариш қилинган терак уч йилда дурустгина ёгочбоп материалга айланиши мумкин экан.

— Мен мактабни тамомлаб Дехқонобод қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ўқишни давом эттиришга қарор қилдим, — дейди Гулистон туманидаги 1-умумтаълим мактаби битирувчиси Мафтуна Абилова. — Ўкиш давомида ўзимнинг алохида теракзоримни барпо этиб, минг туп теракни парвариш қиламан. Отам Қувондиқ Абиловнинг бу борада катта тажрибаси бор. Қийналган чоғларимда отамдан кўмак сўраб, у кишининг маслахатларига таянаман. Терак парваришлаб топган маблагим келажақда олий ўқув юртида ўқишни давом эттиришимда асқотади.

— Мен тумандаги Мирзо Улугбек

номли агросаноат коллежида ўкиб хунар эгаллашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим, — дейди шу тумандаги 4-умумтаълим мактаби битирувчиси Дилдора Мелибоева. — Уқиш давомида ўзим учун ажратилган участкага 500 туп терак экиб, парвариш қиламан. Теракзордан жамғарган маблағимга жўжа сотиб олиб, паррандачилик хўжалиги таш-

кил этишни максад килдим. Бу йил вилоятдаги мактабларни тамомлаётган 13 мингдан ошиқ ўқувчи коллежларда ўқиб, касбхунар сирларини пухта эгаллашга қарор қилишди. Шу мақсадда улар хозир ўзлари танлаган коллежларга хужжат топшириб, ажратилган участкаларга терак экиш чораларини кўрмоқдалар. Вилоят хокимлиги томонидан кўрсатилаётган бу ғамхўрликдан сирдарёлик ота-оналар, ўқувчилар гоят мамнун бўлиш-

> Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

🥦 Қашқадарё Вилояти

Китоб тумани иқлими ва табиий шароити мевасабзавот, хусусан, узум етиштириш учун қулай худуд хисобланади. Шу боис, 2010 йилдан мева, сабзавот ва узум етиштиришга тўла ихтисослаштирилди. Белгиланган дастур асосида янги токзорлар барпо этилмоқда, кўчат етиштириш учун ер майдонлари ажратилмоқда. Мавжуд токзорларни парвариш қилиш, суғориш ҳамда зараркунандаларга қарши курашишга алохида эътибор қаратиб келинаётгани қосилдорлик ошиши, экспорт салохияти ўсишига омил бўлмокда.

Туманда мавжуд қайта ишлаш корхоналари техник ва технологик янгиланиб, модернизация қилинаётгани, ишлаб чиқариш жараёнларига янги инновациялар жорий этилаётганлиги кўплаб қўшимча иш ўринлари яратиш имконини бермоқда. Хусусан, "Севинч" масъулияти чекланган жамияти ўтган йили Хитойдан замонавий техника олиб келиб, кунгабоқар ва масхардан ёг ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Хозирда корхона узум данагидан

ёг олишни режалаштирмокда.

Вилоятда узумчиликни ривожлантириш бўйича алохида чоратадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Унга кўра, амалдаги йилда 104,9 минг тонна ёки ўтган йилга нисбатан 38,4 минг тонна кўп узум етиштириш мўлжалланмоқда. Яроқсиз қолга келиб қолган 763 гектар узумзорлар учун Р.Шредер номидаги "Мева-шарбат" корпорациясининг Қарши бўлими хамда узумчиликка ихтисослашган хўжаликларда 570

минг дона хўраки, 45 минг дона кишмиш, 295 минг дона саноатбоп узум навлари парваришланмоқда. Бугунги кунда 594 гектар яроқсиз ҳолга келган токзорлар реконструкция қилиниб, 511 минг дона кўчатлар экилди.


Шунингдек, жорий йилда 159 та фермер хўжаликлари ва корхоналар томонидан 473,7 гектар майдонда янги узумзорлар барпо қилиниши кўзда тутилган. Жумладан, "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компанияси тизимидаги "Шахрисабз вино-ароқ" ОАЖ, "Агромир Китоб" қўшма корхонаси, "Китобшаробсавдо", "Яккабоғшаробсавдо", "Нишоншаробсавдо" ташкилотларига янги токзорларни барпо қилиш учун ер майдонлари ажратилди.

— Қаторбоғ қишлоқ фуқаролар йигини худудида 42 та фермер хўжалиги узумчилик билан шугулланади, — дейди фермер Муҳаммади Шарипов. — Улар 154 гектар майдонда узумнинг хусайни, қоражангал, тоифи, мускат навларидан мўл хосил етиштирмокдалар. Бизда узум асосан симбагазда етиштирилади. Бирок ишкомда ток янада яхши ривожланиб,

шунинг баробарида сифатли махсулот олинади. Қолаверса, гектаридан 10-15 тоннагача хосил олиш мумкин. Ана шу илгор тажрибани биз ҳам қўллаш ҳарака-

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда узумнинг "Суғдиёна" ва "Самарқанд" навлари яратилди, — дейди Р.Шредер номидаги Ўзбекистон богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти илмий ходими Ўрмон Мирзохидов. -Хорижлик мутахассислар ҳам ушбу навларни юқори бахолашмоқда. Айниқса, "Суғдиёна" қоракишмишга нисбатан 2-3 баробар кўп хосил беради. Ундан тайёрланган махсулотларнинг компонентлиги хорижникига нисбатан 3-4 баробар ортиқ бўлади.

Сирасини айтганда, туманда янги токзорлар барпо этиш, узумнинг саноатбоп ва хўраки навларини янада яхшилаш, хосилдорликни юксалтириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмокда. Президентимизнинг республикамизда узумчилик сохасини янада ривожлантириш чора-тадбирларига оид қарори



бу жараёндаги ишларни янги босқичга кўтаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ана шу эътибордан янада рухланган китоблик богбонлар гайрату шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат. 2013 йил 2 июль

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚКАТИГА!

#### АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ХОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ, АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПРОКУРАТУРАСИ ВА СУД ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШКАРМАСИ КУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Буюртмачи: Андижон вилояти хокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.

(Андижон шахар Навоий кўчаси 45-уй, Тел: (998 74) 224-19-97, 224-31-64)

Андижон шахар 10-сон МФЙдаги турар-жой уйларни иситиш учун қозонхона биноси қурилиши.

Объектнинг бошлангич нархи (ҚҚС билан) -269.333.333 сўм. Объектнинг бошлангич

(ҚҚСсиз) 224.444.444 сўм.

Ишларни тугаллаш -

Ишларни молиялаштириш: Хомийлик маблаглари хисобидан амалга оширилади.

Диккат! Бошлангич киймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Буюртмачи: Андижон вилояти прокуратураси.

(Андижон шахар Навоий шох кўчаси 28-уй, Тел: (998 74) 224-04-69)

Андижон вилояти прокуратураси маъмурияти мавжуд қушимча биносини капитал таъмирлаш.

Объектнинг бошлангич нархи (ҚҚС билан) -221.645.916 сўм.

Объектнинг бошлангич (ҚҚСсиз)

184.704.930 сўм. Ишларни тугаллаш

1. Фуқаролик ишлари бўйича

Бошланғич нархи ҚҚС билан

Курилиш ишларини молиялашти-

Буюртмачининг манзили: Гулис-

Талабгор сифатида қатнашаётан

корхона ва ташкилотлар куйидаги

талабларга мос келишлари керак:

хисобракамида танлов савдолари

предмети кийматининг камида 20 %

микдоридаги бўш айланма маблагла-

ри бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маб-

лагга банк кафолатномаси бўлиши,

ишлар (хизматлар)ни бажариш учун

CVM.

ҚҚСсиз

Боёвут туманлараро суди биноси-

188 631 840 сўм. **Курилиш муддати** 

**риш:** Адлия ва суд органларини ри-

тон шахар Н.Махмудова кўчаси 7-уй.

ни капитал таъмирлаш.

226 358 208

вожлантириш фонди.

Тел: 8-3672-235-00-89.

муддати - 50 кун.

Ишларни молиялаштириш: Буюртмачининг ўз маблағлари хисобидан амалга оширилади.

Диққат! Турар ва нотурар уй-жой биноларини капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича танлов савдоларидаги квоталар микдори кичик бизнес субъектлари учун 100%ни ташкил қилади.

Буюртмачи: Суд департаментининг Андижон вилояти худудий бошқармаси.

(Андижон шахар Бобур шох кўчаси 26-у , Тел: (998 74) 224-48-36, 224-02-49)

1. Жиноят ишлари бўйича Избоскан тумани суди бино ва иншоотларини капитал таъмирлаш.

Объектнинг бошлангич **нархи** (ҚҚС билан) – 242 000 000 сўм. Объектнинг бошлангич

нархи (ҚҚСсиз) - 201 666 667 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати - 80 кун.

2. Жиноят ва фукаролик ишлари бўйича Бўз тумани суди биносини капитал таъмирлаш. Объектнинг бошлангич

нархи (ҚҚС билан) - 340 000 000 сўм. Объектнинг бошлангич

нархи (ҚҚСсиз) - 283 333 333 сўм. Ишларни тугаллаш

**муддати** – 80 кун. 3. Жиноят ишлари бўйича Улугнор тумани

суди биносини капитал

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАХБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СУД ДЕПАРТАМЕНТИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШКАРМАСИ

2013 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ

БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

зарур бўлган мехнат ресурслари ва

мутахассисларнинг мавжудлиги, етар-

ли касбий ва техникавий малака, мо-

лиявий имкониятларга, шартнома ту-

зиш юзасидан фукаролик-муомала

хуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга,

тажрибали ва ишончли бўлишлари,

ўхшаш объектларда ишлаш тажриба-

ганда кичик бизнес субъектларига

ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва

фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари бахоланганда мам-

лакатимиз пудратчилари учун куйила-

ги нарх преференциялари кўзда тути-

лади: танлов иштирокчиларининг так-

лифларини бахолаш жараёнида тан-

лов таклифларида четдан ишлар (хиз-

матлар) киритилиши кўзда тутилган-

Танлов савдолари ўтказилаёт-

Танлов савдоларида мамлакатимиз

сининг мавжудлиги бўлиши шарт.

ахамият берилади.

таъмирлаш.

Объектнинг бошлангич **нархи** (ҚҚС билан) – 193 000 000 сўм.

Объектнинг бошлангич нархи (ҚҚСсиз) - 160 833 333 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати - 80 кун.

Ишларни молиялаштириш: Суд ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисо-

бидан амалга оширилади. Диққат! Турар ва нотурар уй-жой биноларини капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100%ни ташкил қилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолотномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатларга эга ҳамда тажрибали,

ишончли бўлишлари шарт. Махаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини

бахолашда махаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари хисобга олинади. Катнашчиларнинг танлов таклифларини бахолаш ва ўтказишда қонун хужжатларига мувофик импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг таклифларини бахолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда

Савдода қатнашиш ва танлов хужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Андижон вилоятининг курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон ш. Чинобод кўчаси 59-уй, Тел.факс: 226-72-02.

хисобга олинади.

Бир тўплам танлов хужжатларини нархи: 70 000

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига такдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган санадан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

да ва бунда импорт килувчилар конун-

га мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан

озод этилган бўлса, таклиф қўшимча

қиймат солиғи суммасига қўшиб

жатларига эга бўлиш учун сўровнома

билан савдо ташкилотчиси - Гулис-

тон шахри М.Ахтамова кўчаси 30-

уйда жойлашган Сирдарё вилояти

курилишда танлов савдолари ва

нархларни шакллантириш худудий

консалтинг марказига қуйидаги те-

лефон бўйича мурожаат қилишлари

мумкин: (факс) (8-367) 227-64-42.

ташкилотчисига такдим этишнинг

охирги муддати — офёрталар очилиш

эълон матбуотда чоп этилгандан бош-

лаб 30 кундан кейин ўтказилади.

куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо

Таклифлар (офёрталар) очилиши

Савдода қатнашиш ва тендер хуж-

хисобланган холда бахоланади.

ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

#### ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ КАШКАДАРЬИНСКОГО ОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ

Лот №50-1. «Водоснабжение махалля Кунчикар в райцентре Чиракчинского района (Внутриплощадочные сети водопровода, сетчатое ограждение, электроснабжение, водопроводная башня и скважина)»

Стартовая стоимость заказчика составляет 140.016.833 сум без НДС, 168.020.200 c HДC, срок окончания работ, установленный заказчиком 1,5 месяца

Лот №50-2. «Водоснабжение к-ка Уртакишлок Чиракчинского района». Стартовая стоимость заказчика составляет 126.068.750 сум без НДС, 151.282.500 сум с НДС, срок окончания работ, установленный заказчиком 1,5 месяца.

Лот №50-3. «Строительство водопроводных сетей Бешкент-Элобод Касбинского района от магистрального трубопровода Д-102 мм Нишон-Бешкент Кашкадарьинской области».

Стартовая стоимость заказчика составляет 564.269.760 сум без НДС, 677.123.713 сум с НДС, срок окончания работ, установленный заказчиком 3

Лот №50-4. Реконструкция водопроводных сетей Каршинского райо-

Стартовая стоимость заказчика составляет 258.513.131 сум без НДС, 310.215.758 сум с НДС, срок окончания работ, установленный заказчиком 3

Лот №51-1. «Капитальная реконструкция насосной станции 1-го подъёма ПК 162 в Нишанском районе».

Стартовая стоимость заказчика составляет 276.769.755 сум без НДС, 332.123.706 сум с НДС, срок окончания работ, установленный заказчиком 1

Лот №51-2. «Реконструкция магистрального трубопровода Косон -Мубарек в Касанском районе». Стартовая стоимость заказчика

составляет 459.342.309 сум без НДС, 551.210.771 сум с НДС, срок окончания работ, установленный заказчиком 2 Лот №51-3. «Капитальный ремонт

сетей водоснабжения Бешбулак Акиртма Дехканабадского района

Стартовая стоимость заказчика составляет 163.910.950 сум без НДС, 196.693.140 сум с НДС, срок окончания работ, установленный заказчиком 2,5 месяца.

Лот№51-4. «Капитальный ремонт сетей водоснабжения Галабулак-Душа-Обировон Дехканабадского района Кашкадарьинской области».

